

ЛИБЕРАЛИЗМНИНГ ТАРИХИЙ-СИЁСИЙ ТАЛҚИНЛАРИ

Шодмонкулова Муборак Махаматкуловна

Гулистон давлат университети доценти

Иносият тараққиётидан маълумки, либерализм турли ижтимоий-тарихий ва миллий маданий шароитларда шаклланди, ривожланди ва қарор топди. Шунинг билан бирга либерализм турли кўринишларда, яъни ғоя, дунёқараш шаклларида, сиёсий, иқтисодий мафкура ва сиёсий фалсафа сифатида ҳам ривожланди. Ўз навбатида у конкрет сиёсий тузумларда либерал амалиёт турлари ва либерализмнинг тарихий анъаналари тарзида ҳам фарқланади.

Маданий-тарихий нуқтаи назардан либерал анъаналар иккига булинади: англо-саксон ва континентал-Европа. Шунингдек либерализм тарихан ва мамлакатларда қарор топган турли шарт-шароитларда асосий ғоя ва тамойилларни танлаб олишига қараб ҳамда долзарблигига кура «анъанавий» ва «неолиберал» кўринишларда ҳам намоён бўлади.

Бундай бўлиниш амалий нуқтаи назардан либерализмнинг кайсидир бир шакли ёки варианты эскириб қолди, энди мақбул бўлмай қолди деган маънони англатмайди, хатто, жамиятнинг «тайёр эмаслиги», демократик сиёсий маданиятнинг етарли даражада ривожланмаганлиги ва бошқа сабаблар бўлган тақдирда ҳам. Либерализм шакллари ва босқичлари демократик ижтимоий онгнинг мантикий-тарихий давомийлиги билан узвий боқланган ўзига хос даврлари ҳисобланади.

Амалий нуқтаи назардан либерализмнинг замонавий шакллари англаб етиш ва қабул қилиш учун, аввало, унинг классик мазмунига нисбатан методологик муносабатни аниқлаб олиш зарур. Х;алло, маълум бир муддат учун, масалан, сиёсий ёки иқтисодий ислохотчилик тажрибасида мафкуравий асос сифатида унинг бошланкич ғояларини каллаш керак.

Анъанавий либерализм ўз вақтида ғарб мамлакатларининг гуллаб- яшнаши учун зарур бўлган сиёсий ва иқтисодий шарт-шароитлар асосларининг яратилишида муҳим рол уйнаган. XIX асрда либерализмнинг англосаксон анъаналари демократик қадриятларнинг мустахкамланиши ва конституциявий қоидаларнинг ривожланиши, байналминаллик эркин савдо шартларини мустахкамлаш бораларида салмокли таъсир курсатди. Бу анъанага хос муҳим қадриятлар ва тамойилларни сиёсат оламида намоёиш этган Буюк Британия либерал партияси кейинчалик XIX асрнинг иккинчи ярмида ушбу мамлакат икки етук сиёсий партиясининг бирига айланди. Сайлов ҳуқуқини кенгайтириш масаласи марказий ўрин эгаллаган эркин бозор иқтисодиёти ҳамда сиёсий тузум ислоҳоти учун курашган либераллар 1867 ва 1884 йилларда қабул қилинган сайлов ҳақидаги қонунлар, айниқса, 1918 йилдаги умумий сайлов ҳуқуқи ҳақидаги қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан жиддий муваффақиятга эришдилар.

Ишчилар синфини уз томонига огдириб олган лейбористлар партияси сиёсат сахнасига чикқандан кейингина либераллар уз мавКеларини аста-секин йўқота бошлади ар. 1940-1945 йилларда улар охирига марта ҳукумат иттифокида иштирок этган эдилар.¹

Либерализмнинг континентал-Европа анъаналарида асосий урғу миллий консолидация (бирлашув) жараёнларига ҳамда иқтисодий, сиёсий ва интеллектуал авторитаризмнинг барча шаклларида воз кечишга қаратилган эди. Сиёсий ривожланиш давомида либерализм бир-бирига қарам-қарши бўлган «мўътадил» ва «прогрессиц» тимсолидаги икки шаклда ўз қиёфасини ўзгартирди. Бу шакллар у ёки бу мамлакатда иқтисодий эркинлик конституциявий ислохотлар ёки давлатни черковдан ажратишни таъминлаш муаммоларининг долзарблигига боғлиқ эди. Европада либерализм миллий узликни англаш, бир-бирига этномаданий нуқтаи назардан яқин бўлган Тарқоқ давлатларнинг бирлашиш ёки аксинча, империяларнинг парчаланиш ва мустақил давлатларнинг ташкил топиш жараёни бил ан параллел тарзда ривожланди. Кўп ҳолатларда либерализм сафарбар этувчи куч, сиёсий фаоллик манбаи сифатида намоён бўлди.

Кайзер Германияси устидан эришилган ғалабага қушилган либерализм Веймар Республикасининг конституциявий-мафкуравий асоси сифатида хизмат килди ва Германия фашизмнинг юксалиши учун ўзига хос мослама ролини утаганлигига ҳам тарих истисно тарик асида гувоҳлик беради. Бу ерда либерализм унинг учун етарли даражада тайёр бўлмаган сиёсий ва ижтимоий- иқтисодий асосга аралашди. Натижада, немис жамиятининг таназул ҳолатидан фойдаланган парламент йўли билан ҳокимият тепасига келди, уни уз тасарруфига олди ва ун икки йиллик Учинчи рейх ҳаётининг бошланишига асос солди. Пироварда, бу иккинчи жаҳон уруши халокати билан яқунланди. Бироқ уруш тугагач, айнан сиёсий-иқтисодий либерализм сиёсати ГФРни дунё ҳамжамиятининг етакчи мамлакатлари даражасига олиб чикди. Худди шундай сифат ўзгариш иккинчи жаҳон урушида мағлубиятга учраган япон милитаризми билан ҳам рўй берди. Уруш натижасида вайрон бўлган Япония саноат ривожланишининг энг юксак чўққиларигача кўтарилишга муваффақ бўлди.

Хўш, либерализмнинг кучи нимада? деган савол туғилади. Унинг кучи, энг аввало, ижтимоий дунёқараш асосларининг теранлигида. Либерализм назариясининг асосий қоидалари (таълимотлари ва бош ғоялари) ўзининг анъанавий кўринишида гуманистик (инсонпарвар) дунёқараш, «...бевосита уйғониш даври маданияти, Маърифат, Француз инқилоби таъсирида қарор топди ва айнан шу тарзда эркинлик қоидаларига асосланган либерал цивилизация шароитида жамиятнинг ижтимоий тартиблари моҳиятини белгилаб берди».²

¹ Гаджиев К.С. Введение в политическую науку. -М.: Логос, -1997. -373-374 бетлар. "- Алексеев С.С. Философия права. — М.: Норма, 1997. -303-бет (330 с.)

² Локк Ж. Сочинения: 3 жилдлик. 3-жилд. -М.:Мысль,1988. -3-5 бетлар (668 с.).

Либерализм ҳар қандай кўринишдаги тоталитаризм, авторитаризм ва деспотизмнинг мухолифи экан, гуманизм - ҳар қандай фанатизм, риторизм (маънавият масалаларидаги қонун-қоида ва тамойилларга сўзсиз ва қатъиян итоат этиш), тоқат қилолмаслик ўзгалар билими ва нуқтаи назарини ҳурмат қилмасликнинг мухолифидир.

Гуманизм - либерализмнинг шарт-шароити сифатида Уйғониш даври (XV-XVI асрлар)да шакллана бошлади. Ўша давр гуманистлари инсон шахсининг эркинлигини эълон қилдилар, диний таркидунёчиликка қарши чиқдилар, инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш ҳуқуқи ни ҳимоя қилдилар. Уйғониш даври гуманистларининг йирик намоёндалари - Петрарка, Данте, Боккаччо, Леонардо да Винчи, Эразм Роттердамский, Бруно, Ф.Рабле, Монтень, Коперник В.Шекспир, Ф.Бэкон ва бошқалар дунёвий тафаккурнинг шаклланишида муҳим рол уйнадилар.

Таъкидлаш жоизки, барча либерал ғоялар ва тамойиллар чуқур тарихий-фалсафий илдизга эга. Либерал фалсафанинг ҳар бир категорияси тортишув ва мунозараларнинг узоқ диалектик йўлини босиб ўтди. Шунинг учун ҳам либерализм ўзининг ҳаётга татбиқ этилишида бугун бир дунёқараш ривожланишининг манбаига айланди, Ғарб цивилизацияси гуллаб-яшнашининг асоси бўлиб хизмат қилди. Масалан, Ж.Локк инсон ҳуқуқларининг табиийлиги ва объективлигини асослар экан, аввало, бу ҳодисанинг қонунийлигини илмий жиҳатдан исботлаб беришга ҳаракат қилди. Либерализм ижтимоий-сиёсий таълимотининг асосчиси уз тадқиқотлари натижасида даставвал шундай ҳулосага келдики, чуқур асосланган Тангри иродасининг ифодаси сифатида тавсифланадиган, табиат орқали идрок этиладиган (эркинлик ҳақиқат манбаи бўлиб хизмат қиладиган) ахлокий тамойиллар ва табиат қонунларига ўхшаш объектив мавжудлик бор. Бу қонунлар ва тамойиллар онгли табиат билан нима келишилишини ва нима келишилмаслигини курсатади. Шу билан инсон бошқариши мумкин бўлган ҳамда тақиқланган нарсаларни белгилаб беради. Шу билан бирга, Ж.Локк учун қонун ва ҳуқуқ фарқи туюлади. Ҳуқуқ бирон бир нарсага эркин эгаллик қилиш имкониятининг берилиши, қонун эса инсонга нима қилиш мумкин-у нима таъқиқланади, демак, инсон ҳуқуқи, унинг эркинлиги табиат қонунидан келиб чиқади. Мана шу жойда файласуф таъкидлайдики, ижтимоий табиатнинг объектив мавжуд қонунларисиз инсоният ҳамжамияти мавжуд бўлолмайди. Айниқса, шартнома ва битимларга содиклик нуқтаи назаридан. «Қонун бўлмаса, ҳалол иш учун на мақтов бор, на иллат ва на саховат эгалари, бемаъни иш учун эса на жазо бўлади: у ерда на айб ва на масъулият бўлади. Ҳамма нарса инсон амрига буйсундирилади. Агар инсондан ҳеч нарса талаб қилинмаса, демак у шахсий лаззат ва манфаатга ихлос қурган ёки ҳар қандай инстинкт қоидаларидан холи, эркин ва қурлик билан машел бўлишга мажбур бўлган; адолат ва ҳақиқат пуч гапга айланган, умуман, қуруқ гапдан бошқа ҳеч нарса қолмаган булар эди. Ўз хатти-ҳаракатини мутлақ эркин ва бош ҳақами бўлган инсон ўзини айбдор деб

ҳисобламайди, негаки ҳеч бир қонун бирор нарсага эгалик қилиш ҳуқуқини бермайди ва ҳеч нарсани тақиқламайди»³.

Кўришиб турибдики, Ж. Локк инсон эркинлиги ҳақида гапирганида унинг масъулиятини хис этадиган ва ундан онгли равишда фойдаланадиган объектив, табиат қонунларига бўйсунган табиий ҳодиса, деб қарайди. Табиат қонунлари деганда объектив равишда қарор топган ёки инсоният эркини сақлаб қолиш элементлари сифатида жамиятга хос ва зарур бўлган маънавият, ахлоқ этика, ижтимоий муносабатлар асоси ва инсоният руҳияти қонуниятлари тушунилади. Бу қонуниятларсиз инсоният жамиятининг ривожланиши мумкин эмас. Бугунги кун нуқтаи назаридан қандайдир маънода, масалан, у диндан фаркли улуроқ нафақат эътикод механизмлари орқали ҳақиқат учун курашди, балки жамият тараққиётининг истиқболлий йўллари атрофлича исботлаб берувчи инсон борлигининг объектив илмий асосларини топишга ҳаракат қилди, деб эътироф этиш мумкин.

Бундан ташқари, у инсон тарққиёти жушкин жараён эканлиги ҳақидаги фикрни беришга ҳаракат қилган. Бу жараёни ўрганиш инсон ва жамият табиатининг кам ўрганилганлиги муносабати билан ҳар доим ҳам қаноатланарли ва етарли даражада бўлмайдиган ўз мавжудлигини мураккаб ва зарарли оқибатларсиз ўзгартириш учун асос бўлади. Шунинг учун Ж.Локк ўзининг бундай мулоҳазаларини мазкур қонунларни билиш мумкинлигига асосли ишончлар мавжудлиги учун билдиради ва бу йўлда бугунги куннинг бир қатор долзарб методологик хулосаларига келади.

Эркин инсон билим, ҳақиқат, одил фикрга нисбатан интилувчан бўлади. Буларни унга ҳеч ким мажбурламайди, унинг ўзи бу хусусиятларнинг зарурлигини чуқур англаб етади. «Фикрларни мажбуран қабул қилдириш инсонларнинг уларни тушуниб олишларига халакит беради, чунки кимда-ким агарда куч билан прозетелит (янги эътикодни қабул қилганлар ёки ниманингдир янги «эҳтиросли» тарафдорлари-муаллиф изот)ларни қўлга олсалар-бу нотўғри, улар фақат шахсий манфаат ёки ҳокимиятни кўзлаган бўладилар, холос. Математиканинг шубҳасиз ҳақиқатларига бошқа бировни ишонтириш учун ана шундай усулга ким тухташи мумкин?». Қўрқитиш орқали оғдириб олинган «тарафдорлар» қоидага кура ёлқончи бўладилар ва бошидан кечирилган камситилишлар учун бир кун уч олишнинг қулай имкониятини кутадилар. Жазо қўллаш ва қўрқитиш тартиб ўрнатишнинг ижобий воситалари ҳисобланмайди. Булар инсонларни мукомбирликка, хушомадгуйликка, самимиятсизликка ва тартиб ўрнатишнинг ташқи манбаларини кўролмасликка (қўрқитишнинг диний, суверен мотивларидан ташқари) олиб келиши мумкин. Қўрқитишнинг ташқи манбалари барҳам топгач, бундай одамлар жазосизлик инстинктига бўйсуниб, олдингидан ҳам кура кўпроқ ёмонлик кила бошлайдилар. Қуллик фалсафасини фош этиб ва унга қарши

³ Локк Ж. Сочинения:3 жилдлик. 3-жилд. -М.:Мысль, 1988. -8-9 бетлар.

кураш олиб бориб Ж. Локк шундай хулосага келдики, мазкур фалсафанинг келиб чиқиши зўравонликнинг ақл- идрок ва ахлоқ устидан ғолиб чиқишига боғлиқ экан. Бу даврда табиат қонунлари паймол қилинади ва ким кучли бўлса, қонун унинг тарафида бўлади.

Кўп йиллик меҳнатининг якуни ҳисобланган «Два трактата о правлении» («Бошқарувнинг икки трактати») асарида Ж. Локк классик либерализмнинг илмий-сиёсий назарияси асосларини яратди. Эътиборли жойи шундаки, Ж. Локкнинг таълимотида инсон борлиғи учун муҳим бўлган эркинлик тенглик, адолат, суҳоват, ҳокимият, итоат этиш, ҳуқуқ ва бошқалар ҳақида сўз боради, Шунингдек урушнинг ҳолати, қуллик, мулк ота ҳокимияти (патернализм), сиёсий ва фуқаролик жамияти ҳақидаги табиий масалаларга ҳам ўз муносабатини билдирди, деган фикрини айтди. Сиёсий жамиятнинг пайдо бўлиши, сиёсий жамият ва бошқарувнинг мақсадлари, давлат шакллари, қонун чиқарувчи ҳокимият турлари, давлатдаги қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва федератов ҳокимиятлар, давлат ҳокимият тармоқпарининг буйсуниши ҳақидаги масалаларни очиб берди. Шунингдек «ота» ҳокимияти (патернализм), сиёсий ва деспотик ҳокимиятлар (ҳаммасини бирга қўшиб олганда), босиб олиш, зўравонлик йўли билан тортиб олиш, зулм ўтказиш, бошқарув тизимининг емирилиши каби масалаларни ҳам апрофлича талкин қилди.

Дастлаб, шахс эркинлиги ғояси абсолютизмга қарши қўйилди. Кейинчалик шу инсон ҳуқуқи ва эркинлигини ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилишнинг универсал принципларига айлантирилди, ҳаттоки бу тажовузнинг субъекта ижтимоий фикр ёки бошқарувчи кўпчилик ҳисобланган бўлса-да. Ж. Локкдан кейин орадан икки юз йил утиб, Англия позитивизми асосчиси, сиёсий арбоб, иқтисодчи, машхур файласуф Ж. Милль ўзининг «О свободе» («Эркинлик ҳақида») деб номланган трактатида ушбу мафқуранинг яна кўплаб ҳаётий жиҳатларини очиб берди. У таъкидлаганидек: «...кўпчиликнинг зулми» шундай зулмлар таркибига кирадики, ундан жамият эҳтиёт бўлиши керак». ⁴ Ж. Миллнинг фикрича, кўпчилик диктатураси ҳуқумат зулмидан фарқли улароқ ёмонроқ иллат, чунки инсонлар онгига таъсир ўтказди, шахсиятга путур етказди, сиёсий-ҳуқуқий маданиятнинг умумий ҳолатида ўзининг салбий ифодасига эга бўлади. «Шахс мустақиллигига ижтимоий фикр дахл қила олмайдиган чегара мавжуд, уни ўрнатиш ва ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилиш халқ манфаати йўлида жамиятни сиёсий деспотизмдан қуриклаш каби зарур», ⁵ деб таъкидлайди олим. Унинг фикрича, «ижтимоий фикр таъсири» деганда қайсидир маънода қонун чиқарувчи ҳокимиятдан ҳам кўра кучлироқ бўлган инглиз консерватизми назарда тутилган эди. Эътиборли жойи шундаки, англияликларнинг XIX аср ўрталаридаги маъмурият ёки қонуннинг инсон шахсий ҳаётига аралашуви нисбатан анъанавий эътирозлари

⁴ Милль Ж.С. О свободе. — СПб.: В.и.кубинский нашри, 1901. 11 бет.

⁵ Милль Ж.С. О свободе. — СПб.: В.и.кубинский нашри, 1901. 12 бет

сиёсатшунос олим томонидан шахс эркинлигига ҳурмат сифатида талкин қилинмаган, балки эскидан ҳукуматнинг жамият манфаатларига душманларча қараш одатининг йўқолмаганлиги натижаси сифатида қаралган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Alimovna, Akkulova Yulduz, et al. "DEVELOPMENT OF LESSON TRAININGS ON THE BASIS OF MODULE TECHNOLOGY." Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development 9 (2022): 128-131.
2. Mahamatkulovna, Shodmankulova Mubarak. "Liberal Democratic Ideals in Civil Society: Problems and Tasks." Zien Journal of Social Sciences and Humanities 17 (2023): 53-59.
3. Mahamatkulovna, Shodmankulova Mubarak. "The Combination of Socio-Political and Economic Criteria in Liberal Democratic Ideas." Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences 17 (2023): 22-28.